

## **COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ КАСАЛЛИК МУДДАТЛАРИ БЎЙИЧА СОН СУЯГИ БОШЧАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

***Жуманов Зиядулла Эшмаматович***

*Самарқанд давлат тиббиёт университети патологик анатомия кафедраси  
доценти, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) [omadlikun@mail.ru](mailto:omadlikun@mail.ru)  
+998933504150 Ўзбекистон*

***Худайбергенов Содиқ Тоштемурович***

*Самарқанд давлат тиббиёт университети патологик анатомия кафедраси  
мустақил изланувчиси Олий тоифали травматолог ва ортопед +998915554778*

COVID-19 га чалингандан сўнг, 6 ой ўтиб, эндопротезлаш жарроҳлик амалиёти ўтказган беморлар сони 10 нафар бўлиб, шулардан 8 нафари эркак ва 2 нафари аёллардир. 6 ойлик мудатда сон суяги бошчаси макроскопик текширувдан ўтказилганда сон суяги бошчасининг гиалинли (тоғай) пардасининг бўғим юзаси айрим жойлари нотекис, бироз хиралашган, субхондрал соҳада некроз ўчоқлари (1,5x2,0±0,4 см) аниқланади (1-расм).



**1-Расм. Бемор Р. Касаллик ўтказгандан сўнг, 6 ой ўтиб жарроҳлик амалиётказилган. Сон суяги бошчасининг макроскопир тасвири**

Касалликнинг ушбу муддатида сон суягининг бошчасидан тайёрланган гистологик препаратларда гиалинли тоғай тўқимасидаги хондроцитларда дистрофик ва некробиотик ўзгаришлар устунлиги қайд этилади. Хондроцитларнинг ядросида ва кариорексис аниқланиб, аксарият хондроцитларда кариолизис ҳолати кузатилади. Цитоплазмасида яққол ривожланган гидропик дистрофия намоён бўлади (1-расм). Циторексис ва цитолизис жараёни ривожланган соҳаларда фибробластларнинг пролиферацияси яққол кузга ташланади. Кўрув майдонида цитолизис ҳолатидаги хондроцитлар камчиликни ташкил этади. COVID-19 га чалингандан сўнг, 18 ой ўтиб, эндопротезлаш жарроҳлик амалиёти ўтказган беморлар сони 35 нафар бўлиб, шулардан 23 нафари эркак ва 12 нафари аёллардир. 18 ойлик мудатда сон суяги бошчаси макроскопик текширувдан ўтказилганда сон суяги бошчасининг гиалинли (тоғай) пардасининг бўғим юзаси айрим жойлари нотекис, бироз хиралашган, гиалинли (тоғай) пардаси ва субхондрал соҳада ерилиш ўчоқлари ( $2 \times 2,5 \pm 0,4$  см) аниқланади (2-расм).



**2-Расм. Бемор С. Касаллик ўтказгандан сўнг, 18 ой ўтиб жарроҳлик амалиётказилган. Сон суяги бошчасининг макроскопир тасвири.**

Касалликнинг ушбу муддатида сон суягининг бошчасидан тайёрланган гистологик препаратларда гиалинли тоғай тўқимасидаги аксарият соҳаларида

хондроцитларда некротик ўзгаришлар аниқланади. Аксарият хондроцитларда кариолизис ҳолати кузатилиб, хондроцитларнинг ўрнида бўшлиқлар ҳосил бўлиб уларнинг бир-бирига қўшилиб кетганлиги қайд этилади. Бўшлиқларнинг оралиқларига кўплаб фиброз тўқима ўсиб кирганлиги кузатилади. Сон суяги бошча субхондрал соҳасидаги суяк устунларида остебластларнинг сони камайганлиги, остеоцитларнинг ўсимталари сийрак ва калталашган ҳолатда, аксарият остеокластларда некротик ўзгаришлар, аксарият остеокластларда гидропик дистрофия ривожланганлиги микроскопик жиҳатдан бир хил бир тусли кўринишда намоён бўлади, кам сонли остеокластларда эса деструктив ўзгаришлар аниқланади. (13-расм). Жумладан, Суяк устунларининг кўплаб қисмида ингичкалашуви кўзга ташланади. Кичик ҳажмли якка ҳолдаги узилиб қолган суяк парчалари сонининг (секвестр) аортганлиги қайд этилади. Оралиқ тўқимасида фибробластларнинг пролефацияси кузатилади. Шундай қилиб, Covid-19 касаллигига чалиниб, касалликдан сўнг 24 ойдан кўп ой ўтиб, эндопротезлаш жарроҳлик амалиётини ўтказган беморлар сон суяги бошчаси гиалин пардасида ўрнида ҳосил бўлган фиброз тўқима майдонида кичик оролчалар шаклидаги хондроцитларнинг ўрнида бўлиқчалар шаклланади. Суяк устунларининг диффуз ҳолатдаги остенекрзи ҳисобига уларнинг, яъни секвестрлар пайдо бўлиши кузатилади. суяк усти пардаси қон томирларида фибробластлар пролифациясининг фаоллашуви туфайли склеротик жараёнларнинг тезлашиши натижасида қон томирлар бўшлиғининг кескин торайиши келиб чиқади. Касаллик муддатлари ошган сари ушбу патоморфологик жараёнлар ортиб бориши Covid-19 касаллигига чалинган беморлар сон суяги бошчасида остенекроз жарёнини кучайиб боришини таъминлайди.